

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ, МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№2/2018




Ҳаммамиз яхши тушунамиз, кексаларимиз, мўътабар отахон ва онахонларимизни рози қилсак, бутун халқимиз, жамиятимиз биздан рози бўлади. Уларнинг табаррук дуолари – бу, аввало, эл-юртимизнинг дуоси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман – кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминоти, тиббий хизматдан фойдаланиши, маиший шароитларини яхшилаш, ҳурматли фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эъзозлаш ва ардоқлаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
(9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган
тантанали маросимдаги нутқидан)

МУНДАРИЖА



4. 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Уйғоқ бўл, хушёр боқ оламга

6. ЖАРАЁН

Маънавият машъалин тутиб...

12. XXI АСР ЎЗБЕК ФАНИ

Ўсимликлар менинг
сингилларимдир

22. ОЛДИМИЗДАГИ САВОЛЛАР

Бидъат нима, хурофот нима?

30. КАРВОН ҚЎНФИРОҒИ

Хотира ва келажак масъулияти

60

40. МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ

Тил – тангри тортиғи


48. ГАПЛАШАДИГАН ГАПЛАР

Миллатни таниш алифбоси

56. ҲАЁТНИ ЎЗГАРТИРГАН НУТҚЛАР

Мен нега мукофотдан воз кечдим?

48



60. КЎЗГУ

Йиғлаётган кулги

68. ЁНДОШ, ЖОНДОШ

Доноликнинг Абай булоғи

74. МУТОЛАА ВАҚТИ

Сабрнинг туби тешик косаси

84. БОБОЛАР ЎГИТЛАРИ

Элчи подшоҳнинг тилидир


86. ВАТАН МАНЗАРЛАРИ

Дашт илми


102. МАВЗУ ВА ТАҲЛИЛ

108. МАДАНИЙ ҲАЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

68



74



40



56



ТИЛ — ТАНГРИ ТОРТИФИ

Маълумки, тил ўзаро мулоқот воситаси, у фикрларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Билиш, тўпланган билим, тажрибаларни қайд қилиш, миллий-маънавий қадриятлар, тарихий мерос, урф-одат, анъаналарни сақлаш ҳамда авлоддан авлодга ўтказиш ҳам тил ёрдамида амалга ошади. Бошқа восита йўқ.

Бахтиёр АБДУШУКУРОВ,
филология фанлари доктори

Тилнинг пайдо бўлиш масаласи олимларни қадим даврлардан буён қизиқтириб келади. Бу борада қатор назария ва таълимотлар пайдо бўлди. Тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида илмий фаразлар илгари сурилган. Баъзи олимларнинг фикрича, тил беш юз минг йиллар олдин шаклланган. Қадимги юнон файласуфлари тилнинг пайдо бўлиши борасида бир-бирига зид икки қарашни ўртага ташлаган. Хусусан, Гераклит ҳар қандай ном у англатган нарса билан узвий боғлиқ, ном нарсанинг моҳиятини очиб беради деб ҳисоблайди. Демокритнинг фикрича эса, нарса билан унинг номи орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, улар мазкур тилда сўзлашувчи инсонлар томонидан яратилган. Демак, мулоқот қилиш учун тилни одамларнинг ўзлари вужудга келтирган.

Афлотун мазкур икки қарашни ҳам ёқламайди. У номлар табиий асосда ва шартли равишда келиб чиқишини таъкидлайди. Файласуфнинг ёзишича, сўзнинг товуш томони билан тушунча ўртасида дастлаб ички алоқа мавжуд бўлган. Тил одамлар орасида алоқа воситасига эҳтиёж туфайли табиий суратда вужудга келган. Кейинчалик, вақт ўтиши билан, ном билан нарса орасидаги алоқадорлик бузилган.

Тилнинг имо-ишоралар кўмагида ривожланиб, бугунги кўринишга келгани бор гап. Имо-ишоралардан бугунги кунда ҳам фойдаланамиз. Шундай бўлса-да, бу восита барча халқларда бир хил қўлланмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир соатлик сўзлашув давомида мексикалик 180, француз 120, италиялик 80,

финляндиялик эса атиги бир марта имо-ишорадан фойдаланар экан. Имо-ишоралар тилларда турли маъноларда ишлатилади. Агар болгарлар бошини чапдан ўнгга ёки аксинча чайқаса, тасдиқ, вертикал йўналишдаги бош ҳаракати билан эса инкор маъносини ифодаласа, ўзбекларда бунинг тескари-сини кузатамиз. Бинобарин, имо-ишоралар инсон тилининг ёрдамчи воситалари экан, улар тилнинг пайдо бўлишида асосий омил бўлолмайди.

Шарқ тилшунослигида ҳам тилнинг келиб чиқишига оид мулоҳазалар кўп. Хусусан, Алишер Навоий тил, тилларнинг вужудга келиши ҳақида қимматли мулоҳазаларни қайд этади. Алломанинг «Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин» мисраси олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар юритилишига сабаб бўлган. Ҳатто мутафаккирнинг зикр этилган фикрига асосланиб, баъзи олимлар шоир дунёнинг эволюцион йўл билан юзага келганини, бир турдан иккинчи турнинг келиб чиққанини Чарлз Дарвиндан анча олдин эътироф қилади, деган фикрни илгари суришган. Аслида, Навоийнинг юқоридаги мисраси ислом таълимотидаги дунёнинг пайдо бўлиши, инсоннинг дунёга келиши ҳақидаги қарашларнинг баёнидир.

Шунингдек, муқаддас китобда инсоннинг яратилиши, кейинчалик унга қайтиши, одамга тилнинг ато этилиши қайд этилади: «Ўлик эканингизда сизни тирилтирган, сўнгра сизга (яна) ўлим берадиган, кейин сизни тирилтиргач, сиз ҳузурига қайтариладиган Аллоҳни қандай инкор этасиз?! (Бақара сураси, 28-оят); «Ахир, Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб пайдо қилмадикми?!» (Балад сураси, 8-, 9-оятлар).


Навоий инсонни сўзлаш қобилиятига эга махлуқот санайди. Инсон комилликка эришмоқ учун ўзини ҳайвоний ҳирслардан тозалаши лозимлигини таъкидлайди. Кўриниб турибдики, шоирнинг инсон сўз орқали ҳайвондан ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фикри ислом оламидаги анъанавий қарашнинг давомидир.

Қуръони Карим Рум сураси 22-оятда куйидагиларни ўқиймиз: «Унинг белгиларидан (яна бири) — осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизнинг хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир». Бир сўз билан айтганда, тил Худо томонидан яратилган ва инсонга берилган. Тил — тангри тортиғи.

Ҳар бир тилнинг луғат таркиби тарихий тараққиёт натижасида бойиб боради. Тил жонкуяри Абдурауф Фитрат таъбирича, бир тилнинг бойлиги луғат таркиби, сўзларнинг кўплиги, сўз ясалиши ва грамматик қоидаларининг мукамаллиги билан ўлчанади. Луғат таркибининг бойиб бориши тилнинг ички имкониятлари ва бошқа тилдан сўз ўзлаштириш орқали амалга ошиши мутахассисларга яхши аён.

Тил ривожини ҳамма вақт унинг бошқа тиллар билан ўзаро алоқалари кенгайишига боғлиқ ҳолда давом этади. Қайд этиш жоизки, бошқа чет тил унсурларининг кириб, ўзлашиб қолиши тарихий ва қонуний ҳодисадир. Мамлакатлар ва халқлар ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатларнинг яхшиланиши, айниқса, бир-бирига қўшни халқларнинг ўзаро алоқалари натижасида янги ғоялар, фикрлар, тушунчалар қабул қилинади. Бу тарихий жараён муайян халқ ёки тилнинг ўзига хос тараққий





Ўзбек тилига русча ҳамда рус тили воситачилигидаги Европа тилларига оид сўз ва атамалар сингдирила борди. Ўтган асрнинг 20–30-йилларида ушбу сўзларни рус тили қонун-қоидалари бўйича ёзиш ва талаффуз қилиш тарғиб қилинди. Табиий йўллар билан ривожланиб келган бой ва қадимий тилга бундай босим ўтказилиши мудҳиш оқибатларга олиб келди.

этишига, тил луғат таркибининг бойишига олиб келади. Бинобарин, ўзбек халқи ҳам ўз тарихий ривожланиши давомида кўплаб бошқа халқлар тиллари билан алоқа-муносабатда бўлди. Шу боис ўзбек тили луғат таркибининг маълум қисмини ўзлашган сўзлар ташкил қилади ва уларни тилимизнинг бойлиги сифатида эътироф этамиз.

Туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлмиш ўзбек тили ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бир қанча тилларнинг таъсири остига тушди ва ўз ўрнини топиш йўлида улар билан рақобатлашиб келди. Илк ўрта асрлардан X–XII асрларга қадар мустақил равишда иқтисодий, диний, сиёсий, ҳуқуқий терминология туркий тил ва лаҳжалар, кейинчалик форс ва араб тилларининг таъсири остида мураккаб даврни бошдан кечирди. Бунинг натижасида тилга кўплаб форсий ва арабий ўзлашмалар қабул қилинди, шу жумладан, терминологияда ҳам форс ва араб ўзакли атамаларнинг катта қатлами шаклланди.

Темурийлар ва хонликлар даврида форс тили билан рақобатда ютиб чиққан ўзбек тили XIX асрнинг иккинчи ярмидан рус тилига тўқнаш келди. Россия империясида ўзбек тили ҳамда Туркистоннинг бошқа маҳаллий тилларига таъсир кўрсатиш масаласи бўйича кескин сиёсат юритилмаган бўлса-да, шўролар ҳокимиятга келиши билан вазият тубдан ўзгарди. Ўзбек тилига русча ҳамда рус тили воситачилигидаги Европа тилларига оид сўз ва атамалар сингдирила борди. Ўтган асрнинг 20–30-йилларида ушбу сўзларни рус тили қонун-қоидалари бўйича ёзиш ва талаффуз қилиш тарғиб қилинди. Табиий йўллар билан ривожланиб келган бой ва қадимий тилга бундай босим ўтказилиши мудҳиш оқибатларга олиб келди. Элбек ўша пайтда тилимизга бўлган тазйиқлар, уларни қўллаб-қувватловчилар хусусида шундай ёзади: «...истибдод Русийасининг «ЧОРТ»лари тилимизни бўғди, шуларга қарши сўзлаш нари турсин, балки қўлдан келганча кўмаклашганлар бўлди».


Ўзбек тилидаги сўзларга рус тили талаффуз қоидаларининг зўр-ма-зўраки жорий этилиши унинг фонетик равонлигига путур етказди, тилнинг ички имкониятларидан фойдаланилмай туриб, ўзлашма сўзларнинг улкан миқдорда ўйламай-нетмай қабул қилинишига сабаб бўлди, энг аянчлиси – жамоатчиликда ҳар қандай атамалар, замонавий байналмилал сўз ва ибораларни рус тилидан тўғридан-тўғри кўчириш кўникмаси шаклланди. Айниқса, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлланиладиган сўзлар ва атамалар, умуман, терминологияда жиддий зиддиятлар юзга келди. Ўзбек тилига илм-фан, юриспруденция, ҳарбий соҳа, сиёсат, маданият, банк-молия соҳаларида иккиламчи ўрин ажратилди, рус тилида хужжатлар юритиш, русча атамалар қўллаш, музокараларни, тadbирларни рус тилида олиб бориш меъёрга айланди. Бу ҳолат, яъни кўр-кўрона қабул қилишнинг ёмон оқибатларини ўз вақтида англаган Фитрат шундай ёзади: «Дунё сахнасида «иярув-тақлид»нинг рўлини ҳеч бир миллат биз турклар каби адо эта олмаганлардир! Биз қайси бир миллатнинг қайси бир нарсасига тақлид этмоқчи бўлсак, ўзимизнинг миллий руҳимизга қарамасдан тақлид этамиз. Араблар қайси бир улусдан қайси бир сўзни олганда ўз шеваларига кўра бузуб олганлар. Бир арабни ўлдирсангиз (ҳам) «Петроград-Петрасбург» демайдир. «Битроград-Битрасбург» дейдир. «Франсик» демайдир, «афранж» дейдир. Шундай қилиб, ўз тилининг истиқлолини сақлаган бўладир».

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг тилимиз ривожига муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилида иш юритиш, хужжатлар тайёрлаш бўйича қўлланмалар яратилди, мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ҳамда луғатлар, дарслик, ўқув қўлланмалар нашр этилди, 2003 йилга қадар «Атамашунослик кўмитаси» фаолият юритди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил қилинган ушбу кўмитанинг самарали меҳнати эвазига мухторият, маъмурият, маъмур, муқобил, ҳакам, ташриф, инсонпарварлик, хусусийлаштириш, бошбошдоқлик, қолдиқ (сальдо), иқтисодиёт, маълумотнома, режа, дастур, кенгаш сингари жуда кўп ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларга доир тушунчалар қайтадан қўлланишга киритилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида тоталитар тузумга нисбатан йиллар давомида шаклланган совуқлик оқибатида қатор русча-байналмилал терминларни алмаштириш ҳаракати кўзга яққол ташланди: аэропорт сўзи ўрнида қўналға, тайёрагоҳ терминлари ишлатила бошланди, институт атамаси олийгоҳ, илмгоҳ, билимгоҳ сўзлари билан алмаштирилди, журнал сўзи ўрнида ойнома, мажалла, жариди, ойбитик сўзларини ишлатиш тақдим этилди, четпул (валюта), пултопар (бизнес), хужжатасров (архив), нусхакаш (нотариус), нақлиёт (транспорт), малакасинов (аттестация) сингари терминлар ҳам яратилди, амалиётда қўллаш учун тавсия қилинди, лекин янги тушунчалар сунъийлиги, сўз яшаш меъёрларига жавоб бермаслиги боис тилдан жой олмади, жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмади, бир сўз билан айтганда, бу сунъий сўзларни халқ қабул қилмади.

Глобаллашув ва компьютерлаштириш даврида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти сафидан ўрин олиши давлатлараро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, ривожланган мамлакатлар билан илмий-техник муносабатларнинг жадаллашуви, ҳамкорликда долзарб илмий масалалар устида изланишлар олиб боришнинг йўлга қўйилиши, ёш истеъдод эгаларининг нуфузли чет эл университетлари ва институтларида ўқиши ёхуд малака ошириши, миллийликнинг кучайиши нафақат ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий ҳаётда, шунингдек, тилда ҳам ўз ифода-

АЛИШЕР НАВОЙИ



МУҲОКАМАТУ-Л-ЛУҒАТАЙН

Қўраётган Сўзларнинг таълими ва тарғибига оид

Биз қайси бир миллатнинг қайси бир нарсасига тақлид этмоқчи бўлсак, ўзимизнинг миллий руҳимизга қарамасдан тақлид этамиз. Араблар қайси бир улусдан қайси бир сўзни олганда ўз шеваларига кўра бузуб олганлар. Бир арабни ўлдирсангиз (ҳам) «Петроград-Петрасбург» демайдир. «Битроград-Битрасбург» дейдир. «Франсик» демайдир, «афранж» дейдир.

Қаҳвахона, тўйхона, дўконлар, турли фирмалар ва масъулияти чекланган жамиятлар, гарчи, хорижий маблағлар ёрдамида ишламас-да, чет тилида номлашга уларни нима мажбур қилмоқда? Ҳатто турли маҳсулотлар, товарлар, жиҳозлар, уй-жойлар, қурилиш материаллари олди-сотдиси, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари билан боғлиқ эълонларнинг ўзга тилда берилишини тушуниш қийин.

сани топмоқда. Бу даврда янги сўз ва атамалар пайдо бўлди: академик лицей, коллеж, магистр, бакалавр, тендер, преференция, инвестиция, лицензия, дилер, мегаполис, экология, эксперт, демпинг, инфляция, клиринг, чат, пайнет, электро-рат, миллий ўзлик, миллий давлатчилик, миллий сиёсат, сиёсий ислохот, маънавий қадрият, миллий валюта, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, қимматли қоғозлар бозори, тадбиркорлар палатаси, консалтинг, инжиниринг, лизинг фирма, субсидия, пай, бизнес-инкубатор ва ҳоказо.

Чет тили терминларини сўз ясаиш усуллари асосида янгидан юзага келган ясамалар билан алмаштириш жараёнида ўзбек тили луғат фондида олувчи (адресат), жўнатувчи (адресант), тавсифнома (характеристика), буюртма (заявка), нархнома (прейскурант), маълумотнома (справка), фуқаролик (подданство), дахлсизлик (иммунитет), ишбилармон (предприниматель), таъмирчи (реставратор) сингари кўпгина терминлар мустаҳкам ўрнини топди.

Охириги йилларда жадал суръатларда ривожланаётган ОАВ, глобаллашув негизда фаолият юритувчи интернет, хусусий кўнгилочар нашрлар, телеканал ва радиоканалларда давлат тилидан фойдаланишда маълум муаммолар кузатилмоқда. Русча матнлардаги атама ҳамда ифодалар сўзма-сўз, тўғридан-тўғри таржима қилинади, бунинг оқибати ўлароқ, бир қарашда ўзбекча, аммо ўзбек тили қоидаларига зид янги ифода, гаплар «туғилади»: мы открылись – биз очилдик, тўғриси: биз фаолият бошладик; восстанавливает микрофлору кишечника – ичак микрофлорасининг бузилишини таъминлайди, тўғриси: ичак микрофлорасининг бузилишини тиклайди; учёный-энциклопедист – қомусий олим, тўғриси: энциклопедист олим.

Метро, кўчалардаги реклама, эълон, бекатлар ва автобусларда кўплаб имло хатоларининг учраши дилни хира қилади: *hojalik mollari, istemolshilar, Farhod ko'chasi, Xurmatli xaridorlar, KOK-SAROY, kuhinur* каби. Бу ҳам етмагандек, қаҳвахона, тўйхона, дўконлар, турли фирмалар ва масъулияти чекланган жамиятлар, гарчи, хорижий маблағлар ёрдамида ишламас-да, чет тилида номлашга уларни нима мажбур қилмоқда? Масалан: «Sulion» restaurant», «Firdavs garden», «Lulu» kafe, Arbat, Lady East, Barocco, «Jumanji», «Cherry», «Bellezza shop», «Bistro kafe», «Аты – Баты». Ҳатто турли маҳсулотлар, товарлар, жиҳозлар, уй-жойлар, қурилиш материаллари олди-сотдиси, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари билан боғлиқ эълонларнинг ўзга тилда берилишини тушуниш қийин. Бу она тилимизга ва давлат тили тўғрисидаги қонун ижросига зиддир. Мазкур қонуннинг 20-моддасида «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин», деб қайд этилган.

Телебошловчиларнинг шевага хос сўзларни ишлатиши, улар нутқидаги услубий ғализликлар, кўрсатувларда ўзбекча-русча аралаштириб сўзлашиш, айрим ҳолларда ўзбекча гапиришни ҳам ор билиш, хусусий телеканаллардаги кўрсатувларнинг хорижий тилда номланиши она тилига ҳурматсизлик, беписандликдан бошқа нарса эмас. Фикримизнинг исботи тарзида баъзи намуналарни келтириш билан чекланамиз: «Бу сўзлардан сўнг умр мазмуни ҳақидаги ўйлар хаёлиздан ўтади»; «Бу расмлардаги тасвирларни кўриб, қалбингизда Ватанга бир муҳаббат пайдо бўлади»; «Бу мослама бошланғич синф ўқувчиларига оғирлик келтирмайди»; «Яхши актёр бўламан деб ҳаракат қилсанг, автоматик равишда юлдуз бўласан»; «Сиз билан бирга бўламиз».



«ZO'R TV» телеканалда ташкил этилган кўрсатувлар номларига эътибор берайлик: «COMEDY KIDS» (кўрсатув рус тилида), «TIME OFF», «T-SHOW» (аслида T-SHOW), «TELEGURMAN», «INDIGO», «STAND UP SHOW», «THE COVER UP», «DANCE SHOU», «IKAT», «KSEROKS»; «MY5» телеканалда эса: «NONSTOP», «HASHTAG», «PUZZLE», «MY5 TOP MUSIC», «LIKE BOS» ва бошқалар. Аслида ижтимоий-сиёсий, маданий, дипломатик муносабатлар, илм-фан, техника тараққиёти натижасида ўзлашаётган сўз ва атамаларни тилимизда ўринли, яъни ўзбек тили қоидаларига мос тарзда қўллашгина Она тилнинг бойишига хизмат қилади.


Қадимдан сақланиб келаётган иборалар, халқ қўшиқлари, мақоллар борки, бугунги кунда уларнинг мазмун-моҳиятига эътибор бермасдан нотўғри ишлатамиз. Жумладан, «кўз очиб юмгунча» ибораси, кўҳна манбалар, хусусан, Ўрхун-Энасой битиктошларида «кўз йумуп ачқынча» шаклида қўлланилган; «Отамнинг ўлишини билганимда бир қоп кепакка алмашар эдим» мақолидаги «отамнинг» сўзини «отимнинг» тарзида ишлатиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, мантиқ бузилади. Ёки бўлмаса, «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» мақоли аслида XVIII асрда яшаб ижод қилган Мажзуб Намангонийнинг «Тазкираи Мажзуб Намангоний» асарида бошқача шаклда ифодаланган: «Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, уста кўрмаган шогирд унда-мунда қормалар». Профессор Г. Вамбери «Чигатои тили дарслиги»да (1867) «Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўрғалур, уста кўрмаган шогирд андин-мундин қармалур» тарзида қайд этади.

Бундан ташқари, баъзи луғат ва манбаларда, хусусан, 2006-2008 йилларда эълон қилинган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (беш жилдли)да айрим ўзбекча (туркий) сўзлар бошқа тилларга нисбат берилган. Жумладан, ушбу луғатда «белги, тамға» маъносидаги доғ сўзи форс-тожик тилидан олинган, деб кўрсатилади. Ҳолбуки, Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг ўзбекча эканлигини XI асрдаёқ таъкидлаб қўйган эди: «дағ – қорамол ва бошқаларга босилган тамға. Форслар

Қадимдан сақланиб келаётган иборалар, халқ қўшиқлари, мақоллар борки, бугунги кунда уларнинг мазмун-моҳиятига эътибор бермасдан нотўғри ишлатамиз. Жумладан, «кўз очиб юмгунча» ибораси, кўҳна манбалар, хусусан, Ўрхун-Энасой битиктошларида «кўз йумуп ачқынча» шаклида қўлланилган; «Отамнинг ўлишини билганимда бир қоп кепакка алмашар эдим» мақолидаги «отамнинг» сўзини «отимнинг» тарзида ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Zerikarli gudo'klar
jonga tegdimi?
0530 ga qo'ng'iroq
qiling va ularni eng
zamonaviy
qo'shiqlarga
o'zgartiring!
Qo'ng'iroqning
laqiqasi \$ n

OHITS-ACR VABOSI



Зулайхо
Машарипова

Хатмасига
оңат сабаб



TAHATMA GANDI
KO'CHASI



БЕЗ УСЛУГА

FILISHKAGA MO'SIQA
YOZAMIZ

бу сўзни турклардан олганлар. Чунки форсларда турклардагидек қорамол йўқ. Шунинг учун бу сўзга уларда зарурат ҳам бўлмаган. Мен бу сўзни мусулмонлар чегарасида эшитдим». Шунингдек, луғатда жир, кент сўзларининг келиб чиқиши рус ва суғд тиллари билан боғланади. Бироқ «Девону луғотит-турк» асарида ушбу сўзлар қуйидагича изоҳланади: «жир, ёғ»: ашичта жир йўқ – қозонда ёғ йўқ; Känd – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида вилоятдир. Шунинг учун Фарғонани Özkänd – ўз шаҳримиз дейдилар. Самарқандни катталиги учун Semizkänd – семиз шаҳар дейдилар. Буни форсийлар Самарқанд тарзида қўллайдилар (I,330). Tärkän – Шош (Тошкент)нинг исми. Унинг асли Ташканд бўлиб, тошдан қурилган шаҳар демақдир».

Фан ва технологияларнинг ривожланиши, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, халқимиз орасида китобхонларнинг кўпайиши, интернет, телевидение, оммавий ахборот воситалари, уяли алоқа воситаларининг кундалик самарали таъсири адабий тил билан шеваларимиз ўртасидаги тафовутларнинг, хусусан, архаик, тарихий ва этнографик тарихий сўзлар, диалектизмларнинг камайиб боришига олиб келмоқда. Бугунги кексаларимиз билган ва қўллаётган сўзлар, терминлар ва ибораларни уларнинг неваралари билмаслиги, ҳатто умуман ишлатмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам республикамиз ҳудудидаги шеваларга хос лексик материалларни тўплаб, тизимлаштириб, ҳозирги лексикографик талабларга жавоб берадиган ҳудудий луғатлар тузилса, улар сўзлашув, филолог олимлар, ёзувчи, шоирларнинг асарлари ва оммавий ахборот воситалари орқали адабий тилга кириб келади. Аммо бадий адабиётлар, матбуотда қўлланган диалектизмларнинг аксарияти адабий тилда мустақкам ўрнашиб қолмайди. Давр ўтиши билан уларнинг кўпчилиги адабий тилда турғунлашса, баъзилари эскирган, тарихий сўзлар қаторига ўтади ёки шеваларнинг ўзида ишлатиладиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам оғзаки ва ёзма нутқимизда адабий тилни бойитадиган шева сўзларига кўпроқ мурожаат қилишимиз, уларни қўллаш доирасини кенгайтиришимиз керак. Масалан, 20-аср бошларида купе сўзи ўрнида бўлма, аванс сўзи ўрнида бўнак, мардикор ўрнида кунлукчи, самовар сўзи ўрнида ўзи қайнар атамаси қўлланган ёки бўлмаса, профессор Бегали Қосимов «инерция» сўзи ўрнида «салдам»ни ишлатган эди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, маълум даврда шевада фаол ифодаланган лексемаларнинг айримлари кейинчалик пассивлашиши, сўнгра давр талаби билан яна қайта тикланиб, шевада ҳам, адабий тилда ҳам фаол қўлланиладиган сўзлар сирасига кириши мумкин. 20-аср бошларида ўзлашган пудрат, фирма, мулкдор, кредит сўзлари 50 – 60-йилларга келиб эскирган сўзга айланган. Вақт ўтиши билан мустақиллик йилларида улар фаол сўз сифатида қўллана бошлади.

Кўплаб соҳаларда терминологик аппаратнинг номукамаллиги, жараённинг турли иштирокчилари – олимлар, журналистлар, педагоглар, экспертлар, филологлар ва бошқалар ўзлари билганича, ҳеч қандай мувофиқлаштиришсиз янгидан-янг сўзлар яратаётгани ёки рус тилидан калькалаб олаётгани тил ривожига салбий таъсир ўтказмоқда. Терминшунослик бўйича хорижий тажрибани ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, дунёнинг ривожланган давлатларида, ҳатто соҳалар бўйича ихтисослашган махсус кўмиталар мавжуд. Хусусан, Россия Федерацияси Фанлар академияси ҳузуридаги Фундаментал фанлар соҳасидаги илмий тер-

Salohitdin M.CH.J

минология кўмитаси, Франция Терминология кўмитаси (Terminology Committee), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳузуридаги Информатика ва терминология масалалари кўмитаси (The WHO-FIC Informatics and Terminology Committee (ITC), АҚШнинг Орегон университети қошидаги Озуқа ва чўпончилик терминологияси кўмитаси (The Forage and Grazing Terminology Committee), АҚШнинг Идоралараро терминология, номенклатура ва рамзлар кўмитаси, Канаданинг Терминология бўйича кўшма кўмитаси (Joint Committee on Terminology in Canada) каби ташкилотлар фаолият юритмоқда.

ЮНЕСКО вакилларининг маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда сайёра-мизда 6 мингдан ортиқ тил бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Мазкур тилларнинг айримлари ўз ёзувига эга, баъзилари бундан бебаҳра. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувига эга эмас. Кўп тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имконияти йўқ. Интернетдан фойдалана олмайдиган тиллар ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Чунки янги технологияларнинг ривожини туфайли айрим халқлар хорижий тиллардан истифода этишга мажбур бўлмоқда. Бугун интернет тилининг 80 фоиздан ортиғи инглиз тилига тўғри келади. Ҳозир йўқолиб кетиш хавфида бўлган тилларни сақлаб қолиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг мақсади тиллардан таълим тизимида кенг фойдаланиш, маданиятлар ва тиллар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган. Зеро, ҳар бир халқ ўз тили орқали маданиятини яратишга, ўз тилини маданий тиллар қаторида кўришга ҳақли.

Тилни сақлаб қолиш халқ маданияти, анъаналари, урф-одатларининг умрбоқийлигини англатади. Чунки тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, тараққиёт ва келажак сари йўналтиради. Шундай экан, «Девону луғотит-турк» да улуғланган, «Муҳокаматул-луғатайн» да шарафланган она тилимизнинг маҳаллий ва халқаро миқёсдаги обрўсини юксалтириш учун ҳар биримиз тилимизга ҳурмат билан ёндашишимиз, Абдулла Авлоний айтмоқчи, «ҳифзи лисон»ни ҳаётини шиоримизга айлантирмоғимиз керак. Зеро, хорижий тилни билиш инсоннинг маданиятли, зиёли эканлигидан дарак берса, она тилини билиш ва уни эъзозлаш миллатнинг ҳар бир вакили учун муқаддас бурч саналади.

Қадим тарихга назар солсак, бизнинг заминдан етишиб чиққан улуғ аждодларимиз нафақат ўзбек тили, айни пайтда, қардош бўлмаган тилларнинг ривожини учун ҳам улкан хизмат қилганлар. Жумладан, Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Замахшарий, Ибн Сино каби буюк мутафаккирлар араб тилида асарлар ёзиб, унинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Мумтоз адабиётимиз тамал тошини қўйган ватандошларимиз форсий тилда ижод қилиб, бу тилнинг шеърият тили даражасига кўтарилишига кўмаклашган. Ўзбек адабий тили ривожига беқиёс ҳисса қўшган, йигирма олти мингдан ортиқ сўзга ажойиб маънолар юклаган ҳазрат Навоий бу ҳақда ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида шундай ёзади: «... туркнинг улуғидин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин баҳраманддурлар, андоқким ўз хурд аҳволига кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар».

Узун сўзнинг қисқаси, миллий маънавиятимизнинг ўзаги, халқимиз мавжудлиги ва тирикчилигининг белгиси ҳисобланган, қолаверса, бугун бизнинг кимлигимизни бутун жаҳонга намойиш қилаётган бой тилимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз, унинг келгусидаги тақдири учун қайғуришимиз лозим. Зеро, тилимизнинг ривожини мамлакатимиз тараққиётини таъминловчи омиллардан биридир.

Республикаимиз ҳудудидаги шева-ларга хос лексик материалларни тўплаб, тизимлаштириб, ҳозирги лексикографик талабларга жавоб берадиган ҳудудий луғатлар тузилса, улар сўзлашув, филолог олимлар, ёзувчи, шоирларнинг асарлари ва оммавий ахборот воситалари орқали адабий тилга кириб келади.

Sizning so'rovingiz qabul qilindi, SMS orqali javobini kuting.

O'zbekiston kubogi polufinal o'yiniga chiptal CLICK orqali!

OK №2, 2018

47

NET

Ozbekiston uchun ishlab chiqarilgan patnos

Zanglamaydigan metallardan tayyorlangan kitoyda ishlab chiqarilgan

ТЕЖАМЛ, ҲАВФСИЗ, ЭКОЛОГИК МОС

СН.Д